

ҚЎЛДОШ ЭРГАШЕВ

ЎЗБЕКИСТОН  
ТАЪЛИМИ:  
муаммолар ва ислохотлар



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎЛДОШ ЭРГАШЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
ТАЪЛИМИ:  
муаммолар ва ислохотлар**  
(Монография)

**ТОШКЕНТ – 2014**

**УЎК: 37 (575.1) (072)**  
**КБК 65.053**  
**Э-74**

**Э-74**      **Қ.Эргашев. Ўзбекистон таълими: муаммолар ва ислохотлар. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 204 бет.**

**ISBN 978–9943–4346–1–5**

Мазкур монографияда қадимий аждодларимиз давридан шаклланиб, узок давр масофасини босиб ўтган юртимиз таълим-тарбия тизимининг ривожланиши, ундаги зиддиятли, муаммоли жараёнлар, тазйиқ ва чекловлар тарихий манбалар ва хужжатлар асосида илмий таҳлил этилган.

Шунингдек, монографияда истиқлол берган имкониятлар туфайли Ўзбекистонда амалга оширилган таълим ислохотлари, унинг бугунги натижалари, эришган ютуқларимиз, бу ютуқларнинг жаҳондаги эътирофи кенг ўрин олган.

Ушбу монография миллатимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча китобхонлар учун мўлжалланган. Айниқса, монография материаллари асосида педагогика университети, институтлари ва педагогика касб-хунар коллежлари ҳамда барча ўқитувчилар малака ошириш, қайта тайёрлаш институтлари ўқув режасига «Ўзбекистон таълими ривож тарихи» махсус курсининг киритилиши ва ўқитилиши илму маърифат йўлини танлаган инсонлар учун эзгу амал бўлиб хизмат қилиши аниқ.

**УЎК: 37 (575.1) (072)**  
**КБК 65.053**

**Масъул муҳаррир: И.Й.Турсунов – т.ф.д., проф.**

**Такризчилар:      А.Маврулов – т.ф.д., профессор;**  
**Х.Тўраев – т.ф.д., профессор.**

*Монография ТДИУ Кенгашининг 2013 йил 29 ноябрдаги йиғилиши (4-сонли баённома) қарори асосида нашр этилди.*

**ISBN 978–9943–4346–1–5**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.**

*Ушбу монографиямни падари бузрукворим, Меҳнат қаҳрамони Эргаш Умиров, волидаи муҳтарамам, Қаҳрамон она Маъкулой Умирова ҳамда ўтган устозларимнинг порлоқ хотирасига бағишлайман.*

## **МУАЛЛИФНОМА (сабоқ ўрнида)**

Мазкур мавзунинг танланиб, илмий изланиб, монография ёзишнинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта.

Биринчидан, 5 ёшимдан мактабга борганман.

Иккинчидан, икки туманнинг 3 та мактабида таълим-тарбия олганман.

Учинчидан, 1-4-синфларни ўз туғилиб ўсган қишлоғимиз мактабида, 5-8 синфларни 7-8 км узоқликда жойлашган жамоа хўжалиги марказидаги мактабда, 10-11-синфларни 9-10 км узоқдаги бошқа қўшни туман мактабида қатнаб ўқиб, ўрта маълумот олганман.

Бу мактаблар ҳаёти, улардаги устоз ўқитувчилар фидойилиги, синфдошлар соғинчи, отамиз ва онамизнинг илм олишимиз учун барча шароитларни яратиб берганлиги ва ўқиш даврида ўзларининг бурчи сифатида мунтазам назорат қилганликлари, буларнинг барчаси юртимиз мактаблари, умуман таълим тарихи бўйича илмий изланиш олиб боришимга сабаб бўлган.

Шунингдек, институтда ўқиб, бу илм даргоҳида устозларимизнинг берган чуқур билимлари, уларга нисбатан шогирдларча ҳурмат ва эҳтиром ҳам айнан шу мавзу юзасидан илмий изланиш олиб боришимга тurtки берди ва 1996 йилда «Ўзбекистон таълимининг ривожланиш тенденциялари: муаммолари ва ечими» (1970–1990йй.) мавзусида (1980 йилда ҳақиқий қишлоқ фарзанди сифатида «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг билими ва ҳунар-техника савиясининг ошиб бориши» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эдим) докторлик диссертациясини ёқлаб, тарих фанлари доктори илмий даражасини олдим. Бугунги кунда профессор, Турон фанлар академиясининг академиги сифатида

Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Тарих» кафедрасида ўз фаолиятимни давом эттирмоқдаман.

Мазкур монографияни падари бузрукворим Эргаш Умиров, волидаи мухтарамам Маъкулой Умировалар хотирасига бағишладим. Улар мен 1-4 синфларда ўқиган қишлоғимиз мактаби ривожини учун катта хизмат қилишган. Ота-онам ўша даврда ўқитувчилар етишмаслиги сабаб, мактабимизга узок вилоят, туман ва қишлоқларидан келиб дарс берган ўқитувчиларга уйимиздан жой бериб, улар аҳволидан хабар олиб турдилар. Мактаб таълимига мунтазам бош-қош бўлдилар. Бухоро вилоятидан Ярашев, Яккабоғ тумани тоғли худудларидан келиб бизга дарс берган Имомов, Раҳмонов, Тўхлиев домлалар уйимизда туришиб, қишлоғимиз ўғил ва қизларига бошланғич сабоқ берганлар.

Отам ёшлигидан ота-онасидан ажралиб, етим қолган ва анча ўзига тўқ оилалар қўлида яшаб, уларнинг моли ва қўйини боқиб катта бўлган. Кейинчалик, ўзини таниб, опа-укаларини излаган ва опасини ҳамда узокроқ қариндошини топган. Отамнинг бундан кейинги ҳаётида улар анча ижобий ролни ўйнаган, албатта. Отам ҳаётда бўлаётган тарихий жараёнлар зарурияти билан ўзлари ўқиш ва ёзишни ўрганганлар. Энди, жамият ҳаётига фаол киришаётган бир пайтда уруш бошланиб, «фин уруши» ва иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ҳаракат қилган. 1943 йилда қўлидан яраланиб, фронт орқаси меҳнатига қайтарилган. Бир неча йиллар давомида бригадир, ферма мудирини, партия ташкилоти котиби лавозимларида хизмат қилган. Ўша даврлар тарихий жараёнларини эсласак, отамни бу даврлар «совуқ шамоли»дан омон қолганлар» десам, муболаға бўлмайди. Отам мен туғилиб вояга етган Тезоб қишлоғининг бригадирини (оқсоқоли) эдилар. Ўзлари ҳам ҳеч тинмасдилар, бошқаларга ҳам тиним бермасдилар. Чунки, у даврда республикамизда марказнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсати кучайган даврлар эди. Мана шу тинимсиз меҳнатлар натижаси ўлароқ 1957 йилда отамни Москвага чақириб (вилоятдан яна бир киши-Чайдари қишлоғилик Панжи Маматов билан), ўша даврнинг энг олий мукофоти – «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» унвони билан тақдирлаб, «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлашган.

Отамиз ўтган аср 70-йилларининг охирларигача бригадир, ферма мудирини лавозимларида меҳнат қилиб, сўнгра Бутуниттифок нафақасига чиқдилар. Нафақа давомида – собиқ тузум ўзгаргунча,

Қаҳрамонлик унвони мавқеидан фойдаландилар. Деярли ҳар йили курорт ва санаторияларда бепул дам олиб даволандилар. Шунинча яна алоҳида таъкидлаш жоизки, у киши қаерга дам олгани борган бўлсалар онамизни (онамни ҳам нафақага чиққанларидан сўнг) ҳам бирга олиб борардилар ва биргаликда қўша қаридилар.

Отамизнинг яна бир ижобий жиҳатлари шунда эдики, у киши нафақат онамизни, даволаниш ва дам олишларга қишлоғимизнинг нафақадаги даволанишга муҳтож қарияларини ҳам ўзлари билан бирга олиб кетар эдилар. Уларга самолёт ёки поездга чипта олишлар ва манзилга борганда улар учун йўлланма тўғрилашлар ҳам отамизнинг зиммасида эди. Бундай беминнат имкониятдан қишлоқдошларимиз Асатилла бобо, Нормурод бобо, Ўроз бобо, Ўрол бобо ва бошқа бир неча кишилар фойдаланганлар. Бундан хулоса шуки, отам ўзларига берилган катта-катта мукофотларни жамоа аҳлига берилган мукофот деб тушунганлар.

Қишлоғимизда қадимда барпо этилган масжид ва «Бузрук ота мақбараси» мавжуд бўлиб, отам ҳар йили бу обидаларни сомонли лойда бўлса ҳам сувоқ қилдириб ва атрофдагилар учун зиёратгоҳга айлантирган эди. Академик Яҳё Ғуломов ҳам бу тарихий обидаларни бориб кўриб қадимий обидалар рўйхатига киритган эди. Отам нафақага чиққач, бу обидаларни замонавий қилиб таъмирлаш масаласида бир неча бор Тошкентга келдилар. Бу иш бўйича ҳатто, Республика маданий ёдгорликларни сақлаш ва тарғиб қилиш қўмитасининг раиси Н.А.Муҳитдинов қабулида ҳам бўлдилар. Елиб югуришлар натижаси ўлароқ, қишлоғимиздаги икки обида тўлиқ таъмирланиб, ўз даври ҳолатига қайтарилди.

Менинг мамлакатимиз пойтахти Тошкенти азимда ўқимишли, педагог-мураббий ва олим бўлиб юришимда онажоним – Маъқулой Умировичнинг ҳиссаси ҳам беқиёсдир. Онам бутун умрини меҳнатга бағишлаган аёл эдилар. У киши турмуш ўртоғи бригада бошлиғи бўлишига қарамасдан меҳнат қилиш, қилганда ҳам масъулият билан ёндашишни биринчи ўзларида ҳис этардилар. Шунинг учун ҳам 86 ёшлиқ умрларининг аксариятини «колхозчилик» деб аталган фаолият билан ўтказдилар.

Онам бутун умр жамоа хўжалигида ишлаб, уй-рўзғор ишлари билан банд бўлиб (ўнта фарзандни боқиб, тарбиялаб вояга етказганлар), ярим кечагача турмуш ўртоғини кутиб (чунки у пайтлар меҳнат фаолиятини чеки-чегараси бўлмаган), кейин овқатни иситиб, едириб, кечаси 12-1.00 да ётиб, тонг соат 5.00

лардан яна ишларини давом эттириб кетаверганлар. Онам илғор пахта терувчилардан эдилар. Биз ўқишдан сўнг онамизга ёрдамга борганимизда бошқалар сингари бир кичик тарвузни ўртасидан ёриб, нонни унинг сувига ботириб тушлик қилиб яна пахта теришга киришишларини кўп гувоҳи бўлганмиз.

Отамиз бошқалардан ишни қандай талаб қилсалар, онамиздан ҳам шундай талаб қилар эдилар. Айниқса, пилла қурти боқиш ишларида онамизга бошқаларга нисбатан 2-3 баробар кўп масъулият юкланар эди. Чунки пилла қурти боқиш сермашаққат иш бўлганлиги боис кўп кишилар бу ишдан ўзларини четга олар эдилар. Бригадага 20-30 қути қурт уруғи ажратилса, унинг 70-80 фоизи бир амаллаб мажбурий тарқатилар, қолгани эса бригадирнинг ўзида қолар эди. Шу боис, ҳар йили 10 қутилаб қурт боқиш онамизнинг ва оиламизнинг зиммасида эди. Қурт уруғи биров катталашгач, бизнинг уйларимиз, ҳатто 300 метр узоқликдаги собиқ клуб, молхона (улар чолдеворга айланиб қолган бўлсада) ларга жойлаштириб, кечаси соат 3-4 ларгача барг бериб чиқиш (барг кесиб келиш, уни тозалаб тайёрлаш ишларини айтмаяпман) билан банд бўлар эдик. Биз ака-укалар кўпчилик бўлганимиз сабабли тундаги ишларда навбат билан иштирок этардик. Ўша пайтлар узун молхоналарда, онамиз барг солаётган пайтларда қўлимизда фонус (чироқ) кўтариб ухлаб қолганларимизни ҳамон эслайман. Аммо онамиз навбатсиз бу ишларни бошидан-охиригача ўзлари қилар эдилар. Бундай пайтда қурт боқиш ҳаммага келган тўй бўлса, онажонимиз Маъқулой опа учун шахсан ўзига келган катта тўй эди.

Фарзандларга синган маънавиятлиликни отамиз билан онамизнинг бир хил улуши деб биламан. Онам ҳам мактаб таълимини тўлиқ эгалламасдан фронт орқасидаги меҳнатда фаолият кўрсатганлар. Бунинг устига 10 фарзандни боқиб вояга етказиш, тўлиқ колхозчи бўлиб ишлаш ва пилла боқиш пайтида 4-5 оиланинг пилла етиштириш вазифасини ўз зиммасига олишнинг ўзи бўлмаган, албатта.

Оиламизда 8 ўғил, 2 қиз (қизлар кенжатоё сингилларимиз) бўлганлиги сабабли рўзғор ишлари асосан онамизнинг зиммаларида эди. Бироқ отамизнинг меҳнат тақсимооти жорий қилишлари ва онамиз ўзларининг иш юритиш тажрибаларини бизга тинмай ўргатишлари сабабли ўғиллар ҳам тўлиқ уй-рўзғор ишлари билан таъминланган эди. Бир сўз билан айтганда, эрталаб отамиз буюриб

кетган ишлар у киши қайтгунча, онамиз бошчилигида бажариб бўлинар, бундан уларнинг қувонганини кўриб биз ҳам хурсанд бўлардик.

Ўн фарзандни вояга етказиб, тарбиялаган онамизга ҳам ҳукумат «Қаҳрамон она» унвонини ва медалини тақдим этган эди. Биз ана шундай кўш Қаҳрамонлар фарзандлари эдик ва бу шарафни бутун умр оқлашга ҳаракат қилдик ва қилмоқдамиз.

Отамиз ва онамиз оиламизни юксак маънавиятли оила қилиш, фарзандларини ўқитиб, яхши инсонлар бўлиб етишишлари учун бутун умрларини бағишладилар. Ўн фарзанд ҳам олий маълумотли бўлди. Бунинг учун барча фарзандлари улардан умрбод миннатдор. Менинг бугунги мустақил юрт жабҳаларига шарафли қадамлар билан одимлашимда ака-укаларимнинг ҳам хизмати катта. Мен «Тошкентда ўқийман», деб келганимда акаларим Улаш ва Тиркаш Эргашевлар (ўша 1965 йилда талаба эдилар) кутиб олдилар ва йўл кўрсатдилар. Улаш Эргашев 1965 йилда ТошМИнинг даволаш факультетини тугатиб, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман касалхонасида ишлади. Сўнгра Чироқчи тумани касалхонасида жарроҳ шифокори бўлиб ишлаб, шу ишдан нафақага чиқди. Улаш Эргашев (катта акам) мактабни олтин медал билан тамомлаб ТошМИга ўқишга кирган эди. Таътилга келганларида биз (Тиркаш акам билан) ҳавас билан қарар эдик. Янаги таътилгача интизорлик билан кутар эдик. У кишининг ўша даврда мактабда ўқиб олтин медал олиб институтда ўқиётганлари ҳам бизни илмга интилишимизга муҳим омиллардан бири бўлган бўлса керак, деб ўйлайман.

Иккинчи акам Тиркаш Эргашев ҳам ТошМИ талабаси бўлди. Тиркаш Эргашев 1969 йилда ТошМИни тугатиб ҳозиргача ҳам Шаҳрисабз тиббиёт коллежида ўқитувчилик қилиб келмоқда. Укалар, сингиллар, Тўра, Жўра, Панжи Эргашевлар, Бахтиёр, Ихтиёр Умировлар, Дилором ва Гуллола Умировалар ўқитувчилик касбини танладилар ва ҳозиргача ҳам ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли касбда хизмат қилмоқдалар. Бугунги кунда синглим Дилором Умированинг биз ўқиб тамомлаган, илмга интилишимизни кучайтирган мактабда ишлаётганлиги (бир неча йил мактабга раҳбарлик ҳам қилди) мени шахсан қувонтиради, бир оиладан икки нафар шифокор, саккиз нафар ўқитувчининг чиқиши, улардан икки нафарининг олим бўлиб етишиши (Ихтиёр Умиров Тошкент Давлат Педагогика университети доценти, филология фанлари номзоди) ва яна бири Бахтиёр Умировнинг Тошкент Педагогика касб-ҳунар



коллежида дарс бераётганлиги Эргаш ота Умиров ва Маъкулой ая Умировалар оиласининг ҳаққоний бир маънавий маскан эканлигидан далолатдир.

Ўзим қурган оиламда ҳам бу маънавиятлилик ва маърифатлиликни давом эттиришга ҳаракат қилдим. Турмуш ўртоғим Марзия Эргашева узоқ йиллар Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ишлади. Сўнг 20 йилга яқин Зангиота туманидаги 40-сонли мактабда ўқитувчилик қилиб нафақага чиқди. Ўғилларим Сарвар ва Элёрлар тадбиркорлик билан шуғуллансаларда, қизим Хулқарой ҳамда келинларим Шаҳнозаой ва Лолаойлар ўқитувчилик касбини танлаб бизнинг изимиздан бормоқдалар.

Менинг маънавиятли инсон бўлиб шаклланишимда мактаб таълими, ундаги устозларим: домла Имомов, Тўхлиев, Х.Раҳматов, Б.Эргашев, О.Рўзиев, Раҳматов, Сафаров, Т.Норов, Элбобоев, А.Юсупов, Ғуломов, Жабборов, Ҳабибуллин, Аликумова, А.Нуримовлар берган илмлар муҳим роль ўйнади. Айниқса, адабиёт ўқитувчимиз Толмас ака Норовни яхши эслайман. Бизлар 11-синфга ўтганимизда у кишини ҳарбий хизматга чақиришди. Биз у кишига хат билан адабиётдан ёзган иншоларимизни юборар эдик. У киши эса иншоларни текшириб, таҳлил қилиб, иншолар билан йўл-йўриқ кўрсатилган хатларни бизга юборар эдилар. Биз ўзимиз билим олишга интилардик. Изланар эдик. Мен интилувчан ва изланувчан дўстларим Чоршанби Маматов, Абдурайим Ҳайитов, Ботир Тўраев, Давлат Ҳаққулов ва Худойберди Жабборовлар билан бирга ўқиганлигимдан ҳам хурсандман. Улар билан келишилган ҳолда, навбат билан кечки пайт бир-биримизникига келиб, керосин чироқ ёруғида, гилам устида дарс қилар эдик. Ёзувни ҳам шу гилам устида ёзар эдик. Стол ва стул деган жиҳозларни кўрмас эдик ҳам. Мен бу мисолларни бугунги айрим ёшларимиз учун сабоқ бўлар деган умидда айтмоқдаман.

Менинг бугунги устоз-мураббий ва олим бўлиб етишишимда, бир қатор қирраларимнинг очилишида талабалик йилларим, муҳим ўрин тутди. Бахтим шундаки, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика интитути Тарих ва филология факультетида забардаст олимлар: Н.Бекназаров, З.А.Нуриддинов, А.Сағдиев, Р.Бойжонов, З.Ғофуров, В.Умаров, А.Аҳмедов, У.Умаров, Ҳ.Жалилов, М.Тошмуҳаммедов, Р.Ғофурова, М.Азизова, А.М.Маллаев, М.Асқарова каби ўша давр илм дарғаларидан сабоқ олдим. Мен улардан умрбод миннатдорман. Ўз педагогик фаолиятимда доимо

нафақат улар берган билимга, уларнинг дарс ўтиш услубларига ҳам суянаман.

Тарихчи олим бўлиб етишишимда менга илмий раҳбарлик қилган устозларим: академик: Ҳ.Т.Турсунов, профессор: И.Й.Турсунов ва С.С.Содиқовлардан бутун умр миннатдорман. Уларнинг берган қимматли маслаҳатлари туфайли фан номзоди, фан доктори, профессор бўлдим. 2012 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Турон Фанлар Академиясининг акедемиги этиб сайландим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: «Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамيشа миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз»<sup>1</sup>.

Мен ўз монографиямда муаллифнома ўрнида ота-онам, ўқитувчи-мураббийларим, устозларим ҳақида тўхталишимнинг ҳам боиси шунда. Буларнинг барчаси сабоқ ўрнида.

«Мактаб кўрган» инсонларнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида билиш, улардан сабоқ олиб, хулоса қилиш эса сиз азиз ёшларга ҳавола.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008. 130-б.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/118> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/118> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/118>